

# **ЭЪЛОН**

## **“Муборакнефтгазмонтаж” акциядорлик жамиятининг бошқаруви раиси ва бошқаруви раисининг ўринбосарлари лавозимларига қайта танлов ўтказилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни ва “Муборакнефтгазмонтаж” акциядорлик жамиятининг Уставига асосан, шунингдек танлов комиссиясининг олдин эълон қилинган танловни амалга ошмаган деб топиши муносабати билан, **“Муборакнефтгазмонтаж” акциядорлик жамияти ижро этувчи органнинг қуйидаги лавозимларига номзодлар бўйича қайта танлов эълон қилинади:**

- бошқарув раиси;
- бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринбосари;
- бошқарув раисининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари;
- бошқарув раисининг чизиқли қурилиш бўйича ўринбосари.

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл давлатлари фуқаролари қатнашишлари мумкин.

### **Танлов қатнашчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:**

- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
- қурилиш-монтаж ишлари соҳасидаги бошқарув лавозимларида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш;
- бошқарув раисининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари лавозимида номзодлар учун қурилиш-монтаж ишлари соҳасининг молия иқтисод йўналишидаги раҳбарлик лавозимларида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
- иқтисодиёт, менеджмент ва маркетинг соҳаларида билимга эга бўлиш;
- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилини амалга ошириш қобилияти;
- давлат тили ва рус тилида эркин мулоқот қилиш, инглиз ва бошқа чет давлатлар тилларини билиш маъқулланади;
- компьютер программаларида мукамал ишлай олиши, IT ресурсларнинг янги турларини билиш ва улардан самарали фойдалана олиш;
- корпоратив бошқарув бўйича малакага эга бўлиш;

### **Шахсий фазилатлар:**

- масъулиятлилиқ, интизомлилиқ, ташаббускорлик, креативлик;
- стратегик ва оператив қарорлар қабул қила олиш қобилияти;
- жамоа тузиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил эта билиш қобилияти;
- тартиблилиқ, мулоқотга кириш лаёқати, таҳлилий фикрлаш қобилияти;
- музокаралар олиб бориш тажрибаси;
- тиғиз шароитида натижали ишлай олиш қобилияти.

### **Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайди:**

- тегишли касбий (техник ёки муҳандислик-иқтисодий) соҳалар бўйича олий маълумотга эга бўлмаганлар;
- тегишли фаолият бўйича лицензия талаблари ва шартлари, ушбу шахслар айби билан бузилганлиги учун лицензияси бекор қилинган юридик шахснинг яккабошчилиқдаги ижроия органи вазифасини бажарганлар, коллегиял ижроия органи

таркибида бўлганлар ёки юридик шахснинг таъсисчиси бўлганлар, агар бу ҳолат содир бўлганидан кейин 3 йил ўтмаган бўлса;

- белгиланган малака талабларига мос келмаганлар:

- а) малакали билими даражаси бўйича;

- б) мутахассислик бўйича иш стажи;

- в) тегишли тармоқ учун белгиланган касб малака йўриқномалари ва акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган лавозим бурч ва мажбуриятларини бажариш учун етарли касбий билим ва кўникмалар даражаси бўйича;

- иқтисодий соҳада ёки бошқарув тизимига қарши жиноятлари бўйича муддати ўталмаган судланганлиги бўлган шахслар;

- банкрот деб эълон қилинган юридик шахснинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи вазифасини бажарганлар ёки коллегиял ижроия органи таркибига кирган шахслар, агар бу ҳолат содир бўлганидан кейин орадан икки йил ўтмаган бўлса;

- мансабдор лавозимларда ишламаслик борасида чеклов тарзида жазога тортилганлар, ёки қонуний кучга кирган суд қарори асосида жазога тортилганлар;

- тиббиёт муассасалари томонидан тасдиқланган хулосага асосан ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқати чекланганлар;

- кузатув кенгашининг бошқа аъзоси, жамият бошқаруви аъзолари ёки юқори ташкилот раҳбарияти билан қариндошлик алоқалари бўлган шахслар (ота-она, турмуш ўртоқ, бола, ака-ука, опа-сингил, турмуш ўртоғининг ота-онаси, болаларнинг турмуш ўртоғи);

- 25 ёшга тўлмаганлар.

### **Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим қилиш зарур:**

- Танловда қатнашишга розилиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаши ва танловда ғолиб бўлган тақдирда ишга ёллаш шартномасини тузишга розилиги билдирилган, ўз қўли билан ёзилган ариза;

- Маълумотнома-объективка (белгиланган шаклдаги);

- Автобиография (батафсил кўрсатилсин: биографик маълумотлар, иш жойидаги ўзгаришлар оилавий ҳолати, яқин қариндошлари: турмуш ўртоғи, отаси, онаси, ака-укалари, сингиллари, болалари тўғрисида маълумот, уларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган санаси, жойи, қаерда, ким бўлиб ишлайди, буларнинг бирортаси жинойий жавобгарликга тортилганми, тортилган бўлса нима учун, ва бошқалар);

- Паспорт нусхаси;

- Касбий маълумотни (диплом), иш стажини ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар ва бошқалар;

- Фотосурат (рангли, 9х6 см) – 1 дона.

- Жамият иқтисодий, молиявий ҳолатини яхшиловчи чора–тадбирлар дастури;

- Мавжуд бўлса охириги тўлиқ йилда олинган давлат мукофотлари, Вазирлар Маҳкамаси (унинг Департаменти) ёки унинг қошида барпо этилган давлат комиссиясининг мазкур номзодни қўллаб-қувватлаши ҳақидаги хати, Давлат ташкилотлари томонидан номзодга берилган ва иккитадан кам бўлмаган ҳурмат ёрлиқлари (ҳурмат дипломлари);

- Алоқа учун маълумотлар (телефон рақами, электрон почта, манзили ва бошқалар).

### **Танлов ўтказиш тартиби.**

1. Танлов икки босқичда ўтказилади:

- биринчи босқичда “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш бўйича Низомнинг иловасида кўрсатилган мезонлар асосида баллар умумлаштирилади;

- иккинчи босқичда ҳар бир номзод томонидан тақдим этилган жамият иқтисодий, молиявий ҳолатини яхшиловчи чора–тадбирлар дастури кўриб чиқилади.

Биринчи босқичда кўрсатиб ўтилган Низом билан танишиш учун жамиятнинг [www.mngmaj.uz](http://www.mngmaj.uz) сайтыга кириш тавсия этилади.

Иккинчи босқич талаби бажарилиши учун жамиятнинг мавжуд иқтисодий, молиявий ҳолати, кўрсаткичлари билан танишиш [www.mngmaj.uz](http://www.mngmaj.uz) жамият сайтидан, [openinfo.uz](http://openinfo.uz) корпоратив маълумотлар ягона порталидан, [uzse.uz](http://uzse.uz) Тошкент РФБ сайтидан ва бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш Агенлигининг сайтидан маълумот олиниши мумкин.

**Танлов ҳужжатларини топширишнинг охириги муддати - 2021 йил 21 июн соат 23:00 га қадар.**

Ҳужжатларни [nsaomngm@mail.ru](mailto:nsaomngm@mail.ru) электрон почтасига pdf. форматида юбориш зарур.

*Маълумот учун телефон: +998 97 300 87 14 Касимова Гуландом Ибрагимовна.*